

Қай бири хавфли?



15:20 / 21.03.2025 2257

Барчамиз ҳаётимиз давомида нимадир касаллик билан оғриганмиз, беморлик ҳақида хабаримиз бор. Шунинг учун ҳам баданимиз саломатлигига доимий тарзда эътибор қаратамиз. Бутун эътиборимиз, ҳаракатларимиз, овқатланишимиз, ҳатто кўрадиган кўрсатувларимиз ҳам жисмоний саломатлигимизга қаратилган. Касалликларнинг турига қараб улардан қай даражада эҳтиёт бўлиш ҳақида ўйлаймиз, оғирроқ касалларни имкон қадар олдини олишга интиламиз, аммо доимий бир хатога йўл қўямиз. Хатоимиз шуки, энг катта эътибор талаб қиладиган, доимий назоратга муҳтож ва турли хил касалликларга чалинган бир аъзойимиз – қалбимизга умуман эътибор қаратмаймиз. Қалбимизда ўрнашган, саратонданда хавфли бўлган касалликларга умуман беъэтибормиз. Унинг касалликлари оддий шамоллаш каби эмас, унинг касалликлари хавфли ўсимта каби қалбимизни эгаллаб, кундан-кунга катталашиб, борган сари авж олиб бизни жаҳаннам сари етакламоқда. Уларнинг номи саратон эмас, уларни табиблар текшира олмайди. Уларнинг номи кибр, риё, сумъа, ғийбат... Уларга ташхис қўювчи табиб эса ўзимиз... Нега бунчалар беъэтибормиз?

Баданимиз саломатлиги учун тез-тез дам олиш масканларига борамиз, боғу роғлар ва тоғларни айланамиз. Саломатлик учун ўн кун, йигирма кунлаб алоҳида вақт ажратамиз, аммо қалбимизни даволашга кунда бир соат ҳам кўпдек туюлади. Руҳимизни тарбия қиладиган намозга ўн дақиқани ҳам кўп кўрамиз. Бир соат Қуръон ўқишга вақтимиз йўқ. Нега

бунчалар хотиржаммиз? Жаҳаннамдан қўрқмаймизми? Ёки баданимиз куймайдиган жисмми?!

Азиз биродарим, Рамазон ҳам бизни тарбия қиладиган, қалбимиздаги ўсимталарни йўқотадиган табиб, дори ва шифодир. Табибнинг буйруқларини тўлиқ бажармасак, дорини вақтида қабул қилмасак тузалмаганимиз каби Рамазоннинг ҳақларига тўлиқ риоя қилмас эканмиз қалбимизни даволай олмаймиз. Ўн кун. Бу жуда оз муддат. Табибимиз жуда кучли ва ўта қимматбаҳо табиб. Ўн кун ундан фойдаланмасак, у бизни тарк этади ва биз касалликдан фалажланиб қоламиз. Фурсатни ғанимат билиб касалимизни аниқлайлик ва уни даволайлик. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, жасадимизда бир гўшт бор, агар у тўғри бўлса бутун жасадимиз тўғри бўлади, агар у фасод бўлса бутун баданимиз фасод бўлади. Огоҳ бўлайлик, у бизнинг қалбимиздир!

«Рамазон соғинчи» китобидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 11 февралдаги 03-07/905-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.